

ТИЛ НАЗАРИЯСИ

СИНХРОН ВА ДИАХРОН ТИЛ ТАДҚИҚОТИ

СТРУКТУРАЛИЗМНИНГ САККИЗ ЖИҲАТИ

ёки мавҳум система ва унинг талқинидаги нуқсонлар ҳақида



Бахтиёр МЕНГЛИЕВ

профессор

Алишер Навоий номидаги

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Аннотация

Мавҳум система тафаккур маҳсули, у ҳақдаги индивидуал қарашлар ижтимоийлашади. Системанинг мавҳумлиги сабабли унинг талқинида ишонтириш тамойили устувор. Мавҳум система нотўлиқ, номукамма ва барқарорлиги ҳам шартли, Системанинг очик/ёпиқ тушунчаси нисбий табиатга эга. Мавҳум система фаолиятдан узилган, таъсир ва амалий татбиқдан холи.

Аннотация

Абстрактная система – продукт мысли, отдельные мысли о ней социализируются. Из-за абстрактности системы принцип убеждения является приоритетным в ее интерпретации. Абстрактная система неполна, недостатки и стабильность условны, концепция открытой / закрытой системы относительна. Абстрактная система была оторвана от научного изучения, и она не имеет никакого влияния и практического применения.

Abstract

An abstract system is a product of thought; individual thoughts about it are socialized. Because of the abnormality of the system, the principle of persuasion is a priority in its interpretation. Abstract system is incomplete, impersonation and stability is conditional, the open / closed concept of the system is relative. Abstract system has been discontinued; it has no influence and practical application.

Калит сўзлар: структура, система, мавҳум, тафаккур, ижтимоий стереотиплашув, барқарорлик, номукаммаллик, онг.

Ключевые слова: структура, система, абстракция, мышление, социальные стереотипы, стабильность, несовершенство, сознание.

Keywords: structure, system, abstraction, reasoning, social stereotypes, stability, imperfection, consciousness.

Структур таҳлиллар натижасида тилдаги лисоний ва нутқий жиҳатлар фарқланиб, лисоний сатҳ бирликлари ва улар орасидаги муносабатлар чуқур ўрганилди. Ҳар бир лисоний сатҳнинг систем-структур моҳиятидан тортиб,

тил (лисон)нинг яхлит система сифатидаги хусусиятларигача тадқиқ қилинди. Бироқ ҳар бир тадқиқ усулининг қўлланиш доираси чекланганлиги, ўрганилаётган ҳодисалар эса серқирра эканлиги эътиборга олинадиган бўлса, бу усулни ҳам мутлақлаштириш тадқиқотчиларни чалғитиши мумкинлиги айни ҳақиқат.

Тилшуносликда структурализмнинг пайдо бўлиши айрим илмий доираларда қанчалик шов-шувларга сабаб бўлиб, сакрал тус олган бўлса-да, бу таълимотдаги қатор нуқсонлар унга нисбатан етарли даражадаги ихлосни шакллантира олмади. Шу боисдан бугунги кунда тилшуносликдан адабиётшуносликка тақлидий равишда кўчирилаётган “структур таҳлил”лар ҳам фанга ҳеч нарса бермаяпти, адабиётшуносликда “структурализм структурализм учун” тамойилида иш кўрилиб, структур ёндашув, у асосдаги таҳлиллар тақлид, модапарастликдан нарига ўтмаяпти, бошқача айтганда, таҳлил натижа ҳамда хулосалари амалиёт учун бирор нарса беряпти деб бўлмайди. Албатта, бу тадқиқотчининг тафаккур даражаси, салоҳияти, йўналишнинг ўзига хослиги ва шунга ўхшаш бошқа омилларгагина боғлиқ эмас. Умуман олганда, структур таҳлил, у асосдаги хулосалар унча аниқланган системалар структурасини тубдан ўзгартира олмади. Бу унга эргашиш мутлақ тус олган, муаммоларнинг “балогардони” сифатида қаралган структурализмнинг қуйидаги чекланганлик ҳолатлари билан боғлиқ.

1. Системанинг уйдирмаллиги ёки у ҳақдаги индивидуал қарашларнинг ижтимоий стереотиплашуви. Структур таҳлил объекти бўлган система индивидуал (якка шахс) ақлий фаолият натижасида тикланадиган умумийлик бўлиб, бундай системалар борликда мавжуд бўлмайди. Масалан, унлилар системаси, рубоий системаси, жанрлар системаси, шеърӣ системалар, ғоялар системаси. Эслатиб ўтиш жоизки, борликда унлилар, келишиклар рубоийлар, жанрлар, шеърлар мавжуд, аммо улар шу номдаги система сифатида мавжуд эмас, масалан, ижод маҳсули сифатидаги рубоийлар ўзаро тарқоқ, сочилган, боғланмаган, узилган ҳолда яшайди. Шахс тафаккури уларни ўзича боғлайди, бирлаштиради – натижада яна ўша нарса – шахс яратилмаси бўлган система вужудга келиб қолади. Агар бирор киши олдиндан белгилаб қўймаса, бошқа киши томонидан бу система бутунлай бошқача бўлиб чиқиши мумкин эди, шаклланган стереотиплар эса илк ахборот ва тақдим этилган системани бошқача тасаввур қилишга имкон бермайди. Масалан, ўзбек тилидаги унлилар системасининг миқдори ва моҳияти билан тўлдирилган ижтимоий онг зўрлаб тиқиштирилган маълумотлардан бошқасини қабул қила олмайди. Акс ҳолда “оғиз бўшлиғида тўсикқа учрамайдиган” бу “олтита” унсурдан иборат

система ҳақидаги билимларимиз уни инкор қилувчи тизимдаги унсурларнинг фарқланиш тамойили ҳақидаги қарашлар билан, тилимизнинг ифода имконияти бу олти унли билан чекланмаслиги каби билимлар билан бойиган бўлур эди. Ёхуд тилимиздаги алоҳида сўз туркум (тақлид, ундов, модал)ларини олайлик. Улар ўзбек тили сўз туркумлари системасида алоҳида, ажралган элементлар экан, бу мавҳум системани исталганча талқин қилиш мумкинлигидан далолат беради. Ахир, системанинг асосий хусусиятидан бири яхлитлик экан, яхлитлик таркибида ажралганлик, гомогенлик таркибида гетерогенликни қандай тушуниш мумкин. Қолаверса, айрим тадқиқотчилар “алоҳида сўз туркумлари” атамасига тиш тирноғи билан қарши туришади. Кўринадики, структурализм талқинидаги система якка шахс ўйлаб топган сунъий илмий яратилманинг ижтимоий стереотиплашган кўринишидан бошқа нарса эмас.

2. Системанинг мавҳумлиги ёки унинг талқинида ишонтириш тамойилининг устуворлиги. Структурализм онг маҳсули бўлган мавҳум системаларни таҳлил объекти сифатида олиб, онгдан ташқаридаги аниқ системаларни система сифатида тан олмайди. Онгдан ташқаридаги муайян системалар объектив борликда мавжуд бўлади. Уларни сезги аъзолари воситасида ҳис этиш (кўриш, ўқиш, эшитиш, ҳидлаш ва б.) мумкин. Қуйида бири абстракт ва бири муайян бўлган икки системани қиёслаш асосида уларнинг фарқини билиб олиш мумкин:

Таркиби	Мавҳум система	Муайян система
	[умуман одам]	[муайян шахс]
Элемент	1) тана; 2) онг; 3) рух; 4) мизож.	1) 85 кг, 170 см. қорамағиз тана; 2) IQ-3 даражали онг; 3) тоза қалб; 4) сангвиник мизож.
Муносабат	мавҳум боғланиш	табиий яхлитлик

Бундан системаларнинг ўзига хос хусусиятлари келиб чиқади:

Мавҳум система	Муайян система
[умуман одам]	[муайян шахс]
Номоддий	Моддий
Онгда	Онгдан ташқарида
Элементлари гетероген, яъни ҳар хил	Элементлари гетероген, яъни ҳар хил
Элементлари орасида боғланиш муносабати мавжуд	Элементлари орасида боғланиш муносабати мавжуд

Структурализм, одатда, муайян системани таҳлил қилмайди. Бу унинг катта гуноҳларидан биридир.

Системанинг мавҳумлиги олдинги тезиснинг моҳиятини ифодалайди. Мавҳумлик шундаки, унинг ўзгартириш ва унга истаганча қўшимча қўшиш мумкин бўлади. Зеро, “одам” системаси нафақат мазкур тўрт унсурдан иборат, балки қурол-восита (асбоб)лилик ва режалилик элементларисиз ҳам тўлиқ бўла олмайди. Эътибор қилинса, система мавҳум бўлганлиги сабабли бу икки унсурсиз ҳам тўлақонли ва мукаммал система сифатида кимдир томонидан асосланади ва бизнинг “соғлом” ақлимиз унга унга ишонади-қўяди. Мавҳум система талқинида ишонтириш тамойили устуворлик қилади ва талқинида кўрсатиш тамойили устунлик қиладиган аниқ системадан шу жиҳати билан фарқланади. Мавҳумлик нотўлиқлик ва номукаммалликни келтириб чиқаради.

3. Системанинг нотўлиқлиги, номукаммаллиги ва шартлилиги.

Системанинг мавҳумлиги унинг тўлиқ ва мукаммаллигига ишонтириш асосида “оқланади”. Ҳолбуки, инсон тафаккури чекланганлиги ва ривожланиб борганлиги сабабли бу тўлиқлик ва мукаммалликни нисбий деб тушуниш лозим. Системанинг нотўлиқлиги ёки чалалиги унинг тўлақонли эмаслигидан далолат беради. Бироқ ишонтириш нотўлиқлик ва номукаммалликка тўлиқлик ва мукаммаллик тусини беради ва тасаввуримизда тавсифланаётган системанинг табиати ҳақида алдамчи тасаввурларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Масалан, ўзбек тилидаги 6 унли фонемадан иборат система тўлиқлиги ва мукаммаллиги ошкора ёки зимдан уқтириб, ижтимоий онгга сингдириб келинди. Оқибатда бу системанинг тўлиқ ва мукаммаллиги аксиоматик тус олиб, ижтимоий стереотипик характерга эга бўлиб қолди. Бироқ ўзбек тилида, масалан, “и” (*иш*)дан фарқланувчи “ы” (*қилиқ*), “ў” (*бўлиқ*)дан фарқланувчи “ў” (*ўлка*) нинг ушбу системадан ўрин олиши лозимлиги бу ўрнашган чайир анъанани буза олмайди, бироқ бу унлилар мавжудлиги эътироф этилса, “олти унли” системасининг чала ва номукаммал эканлиги аён бўлиб қолади. Ёки ўзбек тилида рус тили аналогияси асосида 6 келишликли системанинг тўлиқлиги ва мукаммаллиги анъанаси ўрнашган. Бир қарашда бу эътирозга ўрин қолдирмайдигандек. Бироқ ўзбек тилида –*гача* чегара келишиги (проф. Ҳ.Неъматов), –*дек/дай* ўхшатиш келишиги (проф. Ў.Юсупов) борлиги тан олинса, демак, уларсиз ҳам келишлик системаси мавжуд бўлганлиги, бу мавжудлик онгимиз маҳсули эканлиги маълум бўлиб қолади. Демак, структур ёндашувдаги системалар анчайин чала ёки номукаммаллиги билан характерланади ва бу уларнинг мавжудлиги ҳаёлот билан боғлиқлигидан келиб чиқади.

4. Системанинг барқарорлиги тушунчасининг шартлилиги.

Структурализмда системанинг объектив мавжудлик, барқарорлик каби катор хусусиятларга эгалиги уқтирилади. Бироқ уни исбот қилиш асосида истаганча ўзгартириш мумкин бўлади. Системанинг шартлилиги шундаки, қарашларнинг турличалиги ва тафаккур ривожини бу системани турлича ўзгарувчи мавжудлик сифатида талқин қилиш имконини беради. Бу ҳақда юқорида ўзбек тилидаги унлилар системаси, келишиклар системаси, сўз туркумлари системаси мисолида фикр юритилди. Маълум бўладики, мавҳум системаларнинг мавжудлиги ва хусусияти инсон тафаккури билан шартланган. Бу тафаккур унга исталган ёрликни ёпиштириш, мавжудларидан мавҳум қилиш имконини беради. Талқинларда “мен борманки, олам бор”, “борлик менинг нигоҳим маҳсули” каби эски фалсафий қарашлар структурализм талқинида кўп ҳолларда тўғри бўлиб чиқади. Умумийлик ва моҳиятни мутлақ тиклаш инсон тафаккурининг чекланганлиги билан боғлиқлиги сабабли структурализмнинг хулосаларига “ҳал қилувчи восита” сифатида қарашнинг тўғри эмаслигидан далолат беради. Структурализм объектив борлиқни инсоннинг чекланган тафаккури (субъектив омиллар) асосида баҳолаётган экан, унинг хулосаларига ҳар доим шубҳа билан қараш илллати сақланиб қолаверади.

5. Система очик/ёпиқлиги тушунчасининг нисбий табиатлилиги.

Структурализмда системанинг ёпиқлиги ва очиклиги муаммоси ўзига хос ҳал этилади. Системанинг ёпиқлиги деганда элементларининг гомогенлиги, очиклиги деганда бу гомоген элементлар сонининг ўзгариши назарда тутилади. Бироқ бу кўпайиш ёки камайиш кўп ҳолларда, юқорида кўрилганидек, тадқиқотчининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлади. Масалан, тил ҳодисаларидаги оралик ҳолатларни у ёки бу томонга суриш, у ёки бу тизимда қараш тадқиқотчининг унга қайси томондан ёндашишига боғлиқ – ҳар доим ҳам тадқиқотчи объектни ақлан тўла қамраб ололмайди, унга маълум бир қирраси асосида муносабатда бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги кўмакчилар семантик жиҳатдан келишиклар билан уйғун бўлганлиги сабабли, *-дек/дай* шакли маъновий жиҳатдан баъзан келишиклар сирасида (бу юқорида айтилди), баъзан кўмакчилар сирасида қаралади. Шунингдек, эски анъаналардан чиқиб кетолмаслик натижасида уни на келишик, на кўмакчи тизимига киритиб, алоҳида ўхшатиш шакли сифатида баҳоловчи мутахассислар ҳам кўп.

6. Системанинг фаолиятдан узилганлиги. Мавҳум система борлиқда мавжуд бўлмаганлигидан у аслида шу тизими ҳолатида фаолият кўрсатмайди. Бироқ бу системаларнинг тикланиши уни ташкил этувчи элементларнинг борлиқда амал қилиши асосида юз беради.

Мавҳум системалар онгда икки усулда:

- 1) прототипли мавҳум системалар бир жинсли ходисаларни умумлаштириш асосида (одам системаси, рубоий системаси);
- 2) прототипсиз мавҳум системалар турли жинсли ходисаларни умумлаштириш асосида (унлилар системаси, бадий санъатлар системаси) тикланади.

Прототипли системани тиклаш прототипсиз системани тиклашдан маълум жиҳатлари билан фарқланса-да, улардаги умумий жиҳат фарқлардан воз кечиб, умумий жиҳатларни бирлаштиришдир. Ҳар икки система ҳам амалий фаолиятдан узиб олинган ҳолда таҳлил қилинади. Зеро, нутқда олти келишик шаклидан иборат система фаолият кўрсатмайди. Бу система элементларидан фақат биттаси битта амалий позицияда кела олади. Борлиқда мавҳум система мавжуд эмас экан, у жонсиз ёки “ўлик” системадир. Ўлик система эса ривожланишдан, тараққиётдан маҳрум. Назаримизда, “ўлик система” атамаси ҳодиса моҳиятини бироз жўнлаштиради. Шу боисдан “туғилмаган система” дейиш тўғрироқ бўлар. Бу, албатта, ушбу мавҳум системанинг мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Фаолиятдан узилган ҳодиса жонсиз экан, жонсиз системани таъриф-у тавсифлаш осон бўлиб, айтилганидек, бу осонлик унда субъективлик хусусиятининг бўртиб туриши билан боғлиқ.

7. Мавҳум системанинг таъсирдан хоилилиги уни ўзгартириш, таҳрирлаш имкониятининг йўқлиги бўлиб, бу эса ундан фойдаланиб бўлмаслигини кўрсатади. Ташқи таъсир системани ўзгартиради, унинг қайишқоқлигига асосланади ва уни кучайтиради. Ташқи таъсирдан хоилик муносабатлардан узилганлик, муносабатлардан узилганлик эса жонсизлик, таҳирисизлик, фаолиятсизлик каби нуқсонлар билан боғланиб кетади. Системанинг ташқи таъсирдан хоилилиги унинг мукаммалигини ва тўқислигини кўрсатмайди, балки бефарқликдан бошқа нарса эмас. Мукамаллик фаолиятдан узилганлик ва таъсирдан хоилик билан чиқишмайди, балки ривожланиш ҳам ташқи таъсир билан уйғунлашувни тақозо этади.

Система ташқи таъсирлардан узилган экан, ундаги ташқи муҳитга нисбатан қайишқоқлик ва ҳамкорликдаги уйғунликҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Демак, системани ташқи таъсирдан холи кузатиш ҳам структурализмнинг айби, ҳам унинг объекти бўлган системанинг яна бир нуқсонидир.

7. Система ҳақидаги билимларнинг амалий татбиқдан хоилилиги. Билимлар табиатан татбиқийлик ёки нотатбиқийлик хусусиятига эгаллиги билан фарқланади. Бу системаларнинг мавҳумлик/муайянлик турларидан қайсисига мансуб эканлиги билан уйғун.

Кўринадик, структур таҳлилни онгли идрок этиш, бу усулни ўринли, аниқ натижаларни назарда тутган ҳолда қўллаш бу таҳлил усулининг зоҳиран нуқсон бўлиб кўринадиган жиҳатларини бошқа тадқиқ усулларида бўлгани каби чекланганлик табиати сифатида қабул қилиш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Основные направления структурализма. – М., 1964. – 360 с.
2. Засорина Л.Н. Введение в структурную лингвистику. – М., 1974. – 319 с.
3. Ревзин И.И. Современная структурная лингвистика. – М., 1977. – 264 с.